



Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким мусулмон
кишининг моли зиёнига ноҳақ қасам ичса, Аллоҳ таолога Унинг
ғазабига дучор бўлган ҳолда йўлиқади». Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам бунинг тасдифини Аллоҳ азза ва жалланинг
Китобидан ўқидилар: **«Аллоҳга берган аҳд-паймон ва**
қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар
учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат Кунида Аллоҳ
уларга сўз қотмайди, раҳмат назари билан боқмайди ва
гуноҳларидан покламайди. Улар учун аламли азоб бордир» (Оли
Имрон: 77). (Муттафақун алайҳ).



Абу Умома ал-Хорисий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким қасами билан бир мусулмон кишининг ҳаққини тортиб олса, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром қиласи». Шунда бир киши: «Озгина нарса бўлса ҳамми, ё Расулуллоҳ?», деб сўради. «Арок (мисвок дарахти)нинг новдаси бўлса ҳам!», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Гуноҳи кабиралар: Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, одам ўлдириш ва ёлғон қасам ичишдир» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
Бир аъробий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, гуноҳи кабиралар нималар?» деб сўради. «Аллоҳга ширк келтириш», дедилар. «Кейин-чи?», деди. «Кейин ота-онага оқ



бўлиш», дедилар. «Кейин-чи?», деди. «Ёлғон қасам», дедилар. «Ёлғон қасам нима?», деди. «Ёлғондан қасам ичиб мусулмон кишининг молини тортиб олиш», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳга қасам ичишнинг ҳурмати бор, Аллоҳ таоло буни жуда қаттиқ санайди. Чунки, у ҳақ-хуқуқларни исбот ёки рад қилишнинг шаръий воситаларидан саналади. Ёлғон қасам ичиш билан одамларнинг шаръий ҳақ-хуқуқларини зое қилиш ва Аллоҳ азза ва жалланинг мақомини камситиш содир бўлади. Шу боисдан ҳам қасамида ёлғон сўзловчи кимсага шу қадар оғир гуноҳ битилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ёлғон қасам билан мусулмон кишининг молини тортиб олиш ҳаром;
2. Бундай қилган кишининг азоби жуда қаттиқ бўлади, қасами уни дўзахга туширади;
3. Ёлғон қасам ичишдан эҳтиёт бўлиш зарур.